Тез ёрдами

**Ш А Р Т Н О М А № 04**

**Сиқилган табиий газ етказиб бериш юзасидан тузилган.**

"25" 01 2022 йил. Зафаробод тумани.

"YOSHLIK SAVDO TEKISTIL" масъулияти чекланган жамияти рахбари Г. Содикова амалдаги Низомга асосан, қуйида "Таъминотчи" деб юритилади ва Жиззах вил: ССБ Автокорхона - раҳбари И.Хайитқулов иккинчи томондан, кейинчалик «Истеъмолчи» деб юритилувчи ва биргаликда ушбу шартномани қуйидаги тартибда туздилар:

## 1. ШАРТНОМА МАҚСАДИ.

1.1. «Таъминотчи» махсулот ишлаб чикариш ва етказиб беришни ўз зиммасига олади. «Истеъмолчи» эса ўз вактида махсулотга пул тўлаб, ўз вақтида махсулотни қабул қилиб олади.

| Махсулотнинг номланиши | Ўлчов бирлиги | Йил давомида етказилиши Жами | Шу жумладан | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 1-чорак | 2-чорак | 3-чорак | 4-чорак |
| Сиқилган табиий газ баллонли а/м лар учун | Куб/м | 5000 | 5000 | — | — | — |

12500000 (Ўн икки миллион беш юз минг) сўм

1.2. «Истеъмолчи» автомобил газ баллонларини тўлдириб берилишини, «Таъминотчи» газ тўлдирувчи компрессор станциялари (АГТКШ) орқали амалга ошириб боради.

1.3. «Истеъмолчи»ни автомобилларини (АГТКШ) газ билан тўлдириб берилган кун таъминлаш бажарилган кун деб ҳисобланади.

## 2. МАХСУЛОТ НАРХИ ВА ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ.

2.1.Шартнома тузилган пайтдаги **1куб/м газ нархи ККС кушилган холда** 2500 (икки минг беш юз) сум бўлиб, бу маблағни ҳажми хомашё, материаллар, ёқилғи энергетик ресурслар нархи ошган сари ўзгариб боради, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси хокимиятининг норматив актлари ва қарорларида ўзгаришлар бўлган сари ҳам ўзгариб боради.

2.2. Хомашё, материаллар, ёкилги энергетик ресурслар нархлари узгарган тақдирда улар амалга киритилган вақтдан бошлаб ҳисоб-китоблар «Истеъмолчи» учун 1 куб/м газнинг янги таннархи бўйича амалга оширилади.

2.3. «Истеъмолчи» томонидан шартноманинг 1.1. бандида кўрсатилган газ миқдори учун хар ойлик тўловини ойма ой олдиндан 100% тулов мажбуриятини олади.

2.4. «Истеъмолчи» томонидан шартноманинг 2.3. банди ўз вақтида бажарилмаган тақдирда «Таъминотчи» томондан автомобилларни газ билан таъминлаш тўхтатилади.

## 3. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

3.1. «Истеъмолчи» баллонли газ билан жихозланган автомобилларнинг техник холати ва техник хавфсизлиги учун маъсулликни ўз зиммасига олади, шунингдек ёнғиндан сақлашга, санитария ва экологик хавфсизлик учун маъсулдир.

3.2. «Истеъмолчи»: а) амалдаги қоидаларни бажариш (техник шартлар, инструкциялар, низомлар) шарт.

б) баллонли газ жихозларини ва автомобилларнинг моддий созланган ҳолда сақлаб бориши.

3.3. «Таъминотчи» «Истеъмолчи»га ой давомида табиий газнинг кундалик ўртача миқдорини бериб бориш зарур. Хар ойнинг 15 кунига қадар «Истеъмолчи» «Таъминотчи» қандай табиий газ ҳолати ҳақида хабар бериши лозим. «Таъминотчи» ҳар қандай жорий таъмирлаш ишлари бўйича «Истеъмочи»ни 3 кун давомида капитал таъмирлаш ишлари бўйича АГТКШ иш бошлагунга қадар 15 кун олдин хабар бериши лозим.

## 4. ГАЗ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ.

4.1. «Таъминотчи»нинг «Истеъмолчи»ларга табиий газ миқдорини ўлчаш асбоби билан ажратади. «Таъминотчи газ босими «Рўйхати»нинг тасдиғи билан АГТКШ «Ўзбекнефтегазнинг 28.11.1995 йилдаги тасдиғига асосан АГТКШга юборилган газ босимини бажарилишдаги амалий ўлчамлари»нинг тасдиғи ҳамда давлат Стандартлаштириш маркази» (418-сонли 13 январ 1995 йил) АГТКШнинг суюлтирилган табиий газнинг автомашиналарга бериш миқдори тўғрисидаги қўлланма тасдиғи.

## 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. «Истеъмолчи» хар бир автомобилга урнатилган газ баллонларини синовдан утказилганлиги хакидаги сертифекат булиши керак.

5.2. «Истеъмолчи» Автомобилга урнатилган газ баллонларни техник хужжати булиши шарт.

5.3. Табиий газ устамаларининг асл шартномасига қўшимча қилиб расмийлаштиради.

а) «Истеъмолчи» сиқилган табиий газни олгандан сўнг бир ой муддат ичида етказиб берилган газ ҳақини ўз вақтида тўламаса, ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов сўммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов сўммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

б) "Таъминотчи" "Истеъмолчига" сиқилган табиий газни ўз вақтида етказиб бермаган ҳолатда ҳар бир кечиктирилган кун учун 0.4 фоиз миқдорида пеня тўлаш мажбуриятини олади.

5.4. Ушбу шартнома шартлари томонлар томонидан бажарилмаган ёки бузилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси қонунларида кўрсатилган ҳолда жавобгардирлар.

## 6. ФОРС-МАЖОР.

6.1. «Таъминотчи» қуйидаги ҳолларда «Истеъмолчи» томонидан жавобгарликка тортилмайди:

- Ғаллаорол магистрал газ ва электр тармоқлари катта йўллар таъмирлангандан олдин огохлантирилмайди.
- ёнғин, ер қимирлаш ва бошқа бахтсиз воқеаларда.
- Ғаллаорол магистрал газ ва электр тармоқлари катта йуллар таъмирлашда шу билан бирга электр тармоғига боғлиқ ишлар.

## 7. ШАРТНОМА МУДДАТИ.

7.1. Ҳақиқий шартнома томонлар имзолаган кундан бошлаб 2022 йил 31 - декабргача амал қилади.

7.2. Бюджет ташкилотлари учун Ғазначиликдан руйхатдан ўтган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 - декабргача амал қилади.

7.3. Шартнома икки нусхадан иборат бўлиб, 1 (бир) нусхаси «Таъминотчи»да, 1 (бир) нусхаси «Истеъмолчи»да сақланади.

7.4. Томонлардан низолар чиқса, у ҳолда Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда иқтисодий суди кўриб чиқади.

а) автомашиналар сони ва русуми ДАН томонидан рўйхатдан ўтиши шарт.

## ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ.

**«ТАЪМИНОТЧИ»**

"YOSHLIK SAVDO TEKISTIL" МЧЖ
Зафаробод туман "Ёркин"ШФЙ.
Х/р: 20208000405024603001
Банк: АТБ Ипотека банки
МФО: 00122 ИНН: 302520055
________ Г.Содикова
М.У.

**"ИСТЕМОЛЧИ"**

ВССБ Автохўжалиги
Манзил Жиззах ш. Шифокорлар-28
Тел: 226.06.52
Х/р: 20208000840170769090514004
Банк: АБ Тош. ш. ХККМ
МФО: 00014 ИНН: 200342581
Рахбар ________ И. Хайиткулов
М.У.

М. Рабимбеков